ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1 август, шанба 1998 йил №90(592)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 7 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА 30 КУН ҚОЛДИ**

## Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари совриндорларига

Азиз ўғил-қизларим!

Аввалламбор «Умид» жамғармасининг йўлланмасини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, энг самимий қутловларимни изҳор этмоқчиман. Халқимиз орзу-умидларининг қаноти, бошлаган улуғ ишларимизнинг давомчилари, менинг таянчим бўлмиш ёшларнинг яна бир катта гуруҳи жаҳоннинг манаман деган билим даргоҳларига йўл олмоқдалар. Бунга сиз тинимсиз ва оқилона меҳнатингиз, юксак марралар сари ҳаракатингиз, янгиликка интилувчанлигингиз, олий мақсадларимиз йўлида хизматга отланганингиз орқали муяссар бўлдингиз.

Аминманки, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Япония каби илғор мамлакатларнинг обрўли ўқув юртларида таҳсил олиш, ўз билимларини янада чархлаш ниятида ёнаётган сиз ёшлар миллатимиз салоҳияти, заковати ва ғururини ҳар жой ва ҳар қандай шароитда намоён қилишга қодирсизлар. Зеро, сиз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, дунёнинг бешигини тебратган буюк аждодларимизнинг ворисларисиз. Энди уларга муносиб бўлиб замонамизнинг энг олди ютуқларини ўзлаштириб, орттиражак билим ва тажрибаларингизни Ватанимиз равнақи йўлида сарф этишингизга, бу борада тенгдошларингизга ибрат бўлишингизга ишончим комил.

Билингки, сизни Ватан кутади. Оқ сут бериб, эзгу умидлар билан вояга етказган ота-онангиз, ҳавас билан боқаётган ёру биродарларингиз, бир сўз билан айтганда, бутун эл-юртимизнинг интиқ бағри сизга доимо очиқдир.

Барчангизга оқ йўл тилайман, азизларим!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ислом КАРИМОВ.**

*Ўзбекистон - келажаги буюк давлат*

## Истиқлол фарзандлари



Суратда: Бобур Яҳёев машина шайдоси.

Муаллиф олган сурат.

**Мактаб даври инсон ҳаётидаги энг унутилмас давр ҳисобланади. Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг биринчи йили нишонланган йилда туғилган болалар учун 1998 йил 1 сентябр куни унутилмас сана бўлиб қолади - чунки уларнинг кўпчилиги олти ёшдаёқ биринчи марта мактабга боради!**

Ўшанда бу болаларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан турли-туман совға-салом - болалар аравачалари, чақалоқлар учун комплектлар, ўйинчоқлар олган эди.

Бугун ўша чақалоқлар - истиқлол фарзандларининг тақдири кишини қизиқтиради. Чунки, улар энди «катта одам» бўлиб қолган, янги XXI аср ёшлари ҳисобланади.

Ушбу сатрлар муаллифи 1992 йил сентябр ойи бошида, Мустақиллигимизнинг дастлабки байрами кунларида Тошкентдаги 5-туғруқхонада бўлиб, 1 сентябр куни туғилган болалар ва уларнинг бахтиёр оналари тўғрисида фотолавҳа тайёрлаган эди. Бугун камина ўша қаҳрамонларим билан яна қайта учрашиб турибман.

Жажжигина Саодатхон Умарова ўтган йиллар давомида яна икки сингилчали бўлибди. У Сабоҳат ва Моҳира исмли сингиллари ҳамда ота-онаси билан Юнусобод даҳасидаги кенг, шинам, ёруғ хонадонда ўсиб-улғайяпти. Оталари - Шавкат Умаров 13-мусиқа мактабида дарс беради, оналари - Ўғилой ширин қизларини тарбия қилиш билан банд.

Бобур Яҳёевдан кейин туғилган укаси Иброҳим уч ёшга кирди. Тўғри, Бобур оилада тўнғич фарзанд эмас. Ундан олдин опаси Ҳуснора туғилган. Оналари - Динора муҳандис-технолог, оталари Мирқодир умумовқатланиш тизимида ишлайди.

Ўша йили туғилган Зилола Шоносированинг ҳам Зиёда ва Ирода деган иккита синглиси бор. Уларнинг оталари Илҳом «Тошкент тўқимачилик комбинати» акциядорлик жамиятида ишлайди, оналари Зарифа эса - болалар шифокори.

Саодатхон Қаюмованинг ҳам Камола деган синглиси бор. Оналари Барно опа аслида болалар шифокори, ҳозир қизларининг тарбияси билан банд. Оталари Абролжон эса, «ЎзДЭУ» қўшма корхонасида телевизор ишлаб чиқармоқда.

Бу рўйхатни давом эттираверишимумкин. 1992 йил 1 сентябрида Юнусобод туманининг ўзида 14 нафар, Тошкент шаҳри бўйича эса, 128 нафар чақалоқ туғилган. Айтиш мумкинки, Истиқлол фарзандлари. Яна бир муҳим факт: ўша пайтда уларнинг оналари ўртача 21, оталари эса 24 ёшда бўлган.

Барча ота-оналар Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллиги кунида фарзанд кўргани учун ўзларини ниҳоятда бахтли деб ҳисоблайди. Улар фарзандларини Ватаннинг муносиб фуқаролари қилиб тарбиялаш - муқаддас бурч эканини яхши ҳис этади. Бундай муқаддас кунда туғилган болаларнинг бахтиёрлигини айтмайсизми!

Туғилган кунининг ўзида Республика Президентининг ўзидан совға олган боладан ҳам бахтли инсон бўладими! Бу бахт уларга бир умр ҳамроҳ бўлсин!

Ҳозир бу болалар эртанги кун - Мустақиллик байрами ҳамда ўзларининг мактабга қўядиган дастлабки қадамига тайёргарлик кўряпти.

**Рустам ШАГАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

### МОСКВАДА ФОЖЕА

**Россия пойтахти Москвада содир бўлган фожеа оқибатида олти киши ҳалок бўлган. Уларнинг орасида болалар ҳам бор. Москванинг қоқ марказида жойлашган кўп қаватли турар жой биносида газ портлаб кетган, бунинг оқибатида уй қулаб тушган. Уйнинг биринчи қаватида болалар боғчаси жойлашган эди.**

### МАСЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

Югославиянинг Анталия шаҳрида содир бўлган йўл ҳалокати оқибатида 10 киши қурбон бўлган, бир қанча киши оғир жароҳат олган. Йўловчи ташиш автобуси юк машинаси билан тўқнашиб кетган. Маълум бўлишича, юк машинаси ҳайдовчиси рулга маст ҳолда ўтирган экан. Машина ҳайдовчиси махсус хизматлар томонидан қидирилмоқда.

### ЖОСУСЛАР ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТДИМИ?

**Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг махсус комиссияси АҚШ Марказий Жосуслик Бошқармаси ишини текширувдан ўтказмоқда. Америка махсус хизмати дунёдаги қатор муҳим воқеаларни олдиндан айтиб бера олмаганликда айбланмоқда. Жумладан, АҚШ жосуслари Ҳиндистонда ядровий синовларга тайёргарлик кўрилаётганини билмай қолганлар. Бунинг устига, Америка махсус хизмат вакиллари Эрон, Шимолий Корея каби бир қанча давлатларнинг ер ости полигонларида оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилаётганини ҳам назардан четда қолдирганлар.**

### НЕТАНЬЯХУ КЕТАДИМИ?

Исроил Бош вазири Нетаньяху ҳукмронлиги энди узоққа чўзилмаса керак. Кўпгина халқаро кузатувчилар шундай фикр билдирмоқдалар. Сабаби, Беньямин Нетаньяху олиб бораётган сиёсатга қарши чиқаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ҳатто ҳукуматда ҳам Исроил Бош вазирини қаттиқ қораламоқдалар.

### БИЛЛ КЛИНТОН ВА МОНИКА ИШИ

**Оқ уйнинг собиқ ходимаси Моника Левински АҚШ Президенти Билл Клинтон билан интим алоқада бўлганлигини исботловчи ашёвий далилларни махсус прокурор Кеннет Старга тақдим этажагини айтди. Агар мазкур далиллар Клинтон ва Левински ўртасида интим алоқа бўлганлигини исботлайдиган бўлса, АҚШ Президентини ҳимоя қилишга ҳеч қандай адвокатнинг кучи етмай қолади.**

«Жаҳон» ахборот агентликлари хабарлари асосида

*Изҳори дил*

## МУСТАҚИЛЛИК БАХТГА ЧОРЛАЙДИ

***1. Истиқлол Сизнинг тақдирингизда.***

***2. Мустақилликнинг еттинчи йили. Қандай ўзгаришларни ҳис этаяпсиз?. Кўраяпсиз?***

***3. Мустақил она юртнинг эртанги кунини қандай тасаввур этасиз?***

**ОМОН МУХТОР,**

**ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Дўстлик» ордени совриндори, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари.**

1. Очиғини айтганда, ижодкорнинг тақдири - унинг ижод тақдири. Ўзини ижодкор деб билган киши шахсий тақдири ҳақида камроқ ўйлайди.

Истиқлол йиллари мен учун баракали ижод йиллари бўлди. Олдинроқ иккита романим чоп этилган бўлса, юртимиз мустақилликка эришгач олтита янги романим нашрдан чиқди. Тўғри, романларимнинг ҳажми катта эмас. Улар замонавий, ихчам. Аммо, роман ёзишни осон деб билувчилар адашадилар. Мен бу асарларимни қанчалик машаққатлар билан ёзганлигимни айтиб ўтиш ортиқча. Муҳими, шаклан ва албатта мазмунан янгича бўлган бу романлар фақат ҳозирги кунда ёзилиши ва чоп этилиши мумкин эди. Чунки мустақилликка эришгунимизча бу романларда тасвирланган воқеларнинг ҳеч бирини ёзиш ва бостиришнинг иложи йўқ эди. Чунки тафаккуримиз кишанланган эди. Мустақил, эркин фикрлашга йўл берилмасди. Бизлар мафкуранинг қаттиқ исканжасида эдик.

Мен шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигини ўзим учун катта байрам деб биламан. Албатта ўтган етти йил мен учун фақат асар ёзиш, уларни чоп эттириш суюнишидан иборат бўлгани йўқ. Агар, шундай десам ёлғон гапирган бўламан. Шу давр чигалликлари ва машаққатлари ва шахсан меники бўлган мураккабликлар бошимдан кечди. Бу - шахс сифатидаги гапим. Ижод бобида ҳам ҳозирги давр қийинчиликлари мени ҳам четлаб ўтгани йўқ. Адабиёт тарғиботи бироз суст. Китоб ёзишдан ҳам уни чиқартириш қийин. Шунга қарамасдан сўзимнинг бошида айтганимдек, ўтган етти йил учун мен барибир шукроналар келтираман. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган «Майдон» номли роман устида ишлаяпман. Яна бир-иккита катта асарни бошлаганман. Биз мустақиллик олдида, халқ олдида қарздормиз.

2. Мустақилликнинг ўтган йили давомида республикамизда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Умуман, олдинлари мустақиллик тасаввуримизга ҳам сиғмаган, бекиёс катта воқеа.

Чор атрофга боқинг. Пойтахтимиздан то вилоятларнинг шаҳарларигача кундан-кунга таниб бўлмас даражада ўзгариб, кўркамлашиб, янгича қиёфага кириб бораяпти. Айниқса, йўллар кенгайиб, яхшиланиб бораётганида рамзий маъно бордек туюлади,

**Етти йил мобайнида ўзгарган мамлакат олдинги мамлакатга умуман ўхшамайди, деб ишонч билан айтиш мумкин.**

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик юзага келиб, Ўзбекистонимизни биринчи дунё таниб, мамлакат деб тан олиниши, биз билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар алоҳида диққатга сазовор.

Ҳамкорликдаги янгиликлар, ютуқлар кишини қувонтиради.

Ўзгаришлар ичида мен қаноат қилмаётган жиҳатлар ҳам бор. Назаримда, маданият, адабиёт соҳасида биз ҳали дунёга чиқадиган ҳолда эмасмиз. Қолаверса, тарғибот ҳам жуда секинлик билан бораяпти. Ўзбек адабиёти вакиллари асарларининг таржима қилинишини, фақат ўзбек китобхони эмас, бошқа халқларга ҳам етиб боришини қаноатланарли деб бўлмайди.

Мактабларда, ўқиш-ўқитиш соҳасида, менимча қилинажак ишлар кўп. Умуман, янги давр тафаккурининг шаклланиши бўйича энди бел боғлаймизми деб ўйлаб тураман.

3.Кечаги кунда, умуман жуда кўп замонлар давомида келажакка умид барибир яшаган. Шу билан бирга келажакни ортиқча, рангин, бўяб кўрсатиш ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Келажак ҳақида, менимча бугунги кун ҳақида гапиргандек, катта масъулият билан гапирган маъқул. Албатта, инсон ўз келажагига ишонади. Айниқса, мустақилликка эришган бир мамлакатда, ажойиб, меҳнаткаш, заҳматкаш халқи бор мамлакатда келажакка катта умид боғлаймиз.

**Ўзбекистон иқтисодий мустақиллик йўлидан бораяпти. У албатта кўркам, бой юртга айланаяпти. Айланади ҳам.**

Халқнинг эришаётган зафарларини, ҳаётдаги туб ўзгаришларни жаҳонга кўрсатиш керак. Асарлар орқали ҳам! Бу кундан-кунга алоҳида аҳамият касб этадиган нарса. Мамлакатнинг даражасини, мавқеини белгилайдиган нарса. Назаримда, сўнгги икки йил ичида тафаккур, маданият масалаларига эътибор кучая бошлади. Шу томонга қараб юз бурилди. Шу йўналишда борилса келажак биз ўйлагандан ҳам яхшироқ шаклланади, деб умид қиламан. Чунки халқнинг маънавияти, маданияти, маърифати уни дунёга кўрсатадиган кўзгудир.

Мен жафокаш ўзбек халқи ниҳоят катта, кенг йўлга чиқиб, шижоат билан олдинга интилаётганига қувонаман. Ҳар бир одамнинг ҳаёти эртанги кунда ҳар томонлама юксалади деб ишонаман. Келажак биз орзу қилган ҳолатда бўлиши учун ўз фикрига эга, кенг тафаккур юритадиган шахслар керак. Юрт ташвишларини елкасига оладиган, дадил иш юрита оладиган катта шахслар керак. Менимча бундай шахслар кўплаб шаклланиб бораверади.

Қизиқ ҳолат. Етти йил, аслида тарих олдида ҳеч нарса эмас. Лекин бугуннинг ўзида биз минг-минглаб кечагига ўхшамайдиган қиёфадаги одамларни учратаяпмиз. Қисқа фурсатда инсон олами шунчалик ўзгаришига ақл бовар қилмайди.

Демак, давр ҳам инсонни шакллантирар экан.

## ТАҚДИМОТ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш Миллий ҳаракат режаси лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Собиқ иттифоқ давридаги нотўғри сиёсат туфайли республикамиз аҳолисининг деярли ярми экологик жиҳатдан хавфли шароитда яшамоқдалар. Мустақиллигимиз туфайли бу экологик вазиятни ўзгартириш имконияти яратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон томонидан Атроф муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш таклифи маъқулланди.

Миллий ҳаракат режасини тайёрлашда Швейцария конфедерацияси ва Жаҳон банки ҳомийлик кўрсатди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида шу Миллий ҳаракат режаси лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Йиғилишни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси А.Ҳабибуллаев кириш сўзи билан очди ва амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди. Миллий ҳаракат режасини тайёрлашда бевосита иштирок этган Жаҳон банки вакили Ҳ.Вайс, ТАСИС вакили С.Поу, Ўзбекистонлик мутахассислар В.Антонов, А.Мироненков, А.Корнеев, А.Рафиқов атроф муҳитни муҳофаза қилиш миллий ҳаракат режасининг лойиҳаси тўғрисида ахборот бердилар ва саволларга жавоб қайтардилар.

**С.МЎМИНОВ.**

## «ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК»

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида БМТ Тараққиёт Дастурининг «Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

«Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» китоби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури — ПРООН томонидан ҳар йили чоп этилади. Бу китоб Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги масалалари, ҳамкорликнинг равнақ топиш омиллари ва унинг янги қирраларига асос солиш билан боғлиқ муаммоларга бағишлангандир. «Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» китобининг аҳамияти шундан иборатки, унда Ўзбекистонда Тараққиёт Дастури асосида турли соҳа ва тармоқларни ривожлантириш учун қанча ва қандай ёрдам маблағлари ажратилгани, улар қайси соҳада кўпроқ ишлатилгани, бу маблағларни кимлар ажратгани ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилади. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистонга халқаро кўмак беришнинг истиқбол режаларини белгилашда, ёрдам маблағлари етиб бормаган тармоқларни аниқлашда, янгидан-янги сармоялар ажратиш истагида бўлган давлатлар ва компанияларни қизиқтиришда жуда қўл келади. БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликка бағишланган китобидаги маълумотларнинг ҳаммаси халқаро интернет тизими орқали компьютерларга жойлаштирилган бўлиб, ушбу маълумотлар билан жаҳоннинг турли нуқталарида жойлашган давлатлар бемалол танишишлари мумкин ва ўз хоҳишларига кўра Ўзбекистонга ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқишлари мумкин. Хорижий давлатлар албатта Ўзбекистонга бекордан-бекорга кўмак бермайдилар. Мамлакатимизга сармоя киритиш йўли билан улар ўз маблағларини инфляциядан сақлаб қолишлари ёки пулларини Ўзбекистон бозорида оборотга қўйиб, каттагина фойда кўришлари мумкин. Ўз навбатида, чет давлатларининг катта пул маблағлари Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтириш, ижтимоий ривожланиш суръатларини янада ошириш имконини беради.

БМТ Тараққиёт Дастурининг 1997 йилда Ўзбекистон билан амалга оширилган ҳамкорлик лойиҳаларига бағишланган китобида ўтган йил давомида мамлакатимизнинг турли соҳа ва тармоқларига хорижий давлатларнинг умумий қиймати 57 миллион долларлик маблағи киритилгани қайд этилади. Бу маблағлар асосан иқтисодиётни бошқариш, соғлиқни сақлаш, инсон ресурслари, қишлоқ хўжалиги, транспорт, табиий ресурслар, коммуникациялар, савдо ва саноат соҳаларини ривожлантириш йўлида сарфланди.

БМТ Тараққиёт Дастури асосида бирор давлатга ёрдам кўрсатиш ишида қатор хорижий мамлакатлар кўнгилли тарзда ўз маблағларини таклиф этадилар. Ўзбекистонга 1997 йил давомида Тараққиёт Дастури асосида ёрдам қўлини чўзганлар қаторида Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасига бирлашган мамлакатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари Халқаро Тараққиёт Агентлиги (ЮСАИД), Япония ва Германия ҳукуматларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Европа Иттифоқининг ТАСИС дастурини томонидан Ўзбекистондаги соҳа ва тармоқларни ривожлантириш ишига 1997 йил учун 31 миллион, 1998 йил учун эса 32 миллион АҚШ доллари ажратилган. БМТ томонидан эса Ўзбекистонга ёрдам сифатида 1997 йил давомида 9 миллион доллардан зиёд маблағ ажратилган. АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги мамлакатимиз равнақи йўлида 5,5 миллион доллар пул сарфлаган. Япония ҳукумати эса 12 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратган.

Ўзбекистонга кўмак бериш бўйича Тараққиёт Дастурига қўшилган давлатлар мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳисса қўшиш билан бир қаторда, муҳим экологик муаммоларни бартараф этишда ҳам ёрдам кўрсатмоқдалар. Жумладан, БМТ Тараққиёт Дастури асосида бир қатор халқаро ноҳукумат ташкилотлари Ўзбекистоннинг Орол денгизи фожеаси оқибатларини бартараф этиш, Қорақалпоғистон ва Хоразм минтақалари аҳолисининг саломатлигини тиклаш ишида ҳукуматимизга яқиндан кўмак бериб келмоқда.

БМТнинг «Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» китоби тақдимот маросимида сўзга чиққан Тараққиёт Дастурининг мамлакатимиздаги вакили жаноб Павел Кралнинг айтишича, «Ўзбекистон дунёга танилмоқда. Дунё эса Ўзбекистонни қучоқ очиб қаршиламоқда. Хорижий давлатлар Ўзбекистонга яқин дўстга қарагандек назар билан қарамоқдалар. Шундай экан, дўстларнинг ҳар бир юмушда ёрдам қўлини чўзиши табиий ҳолдир».

**Хайрулло НУРИДДИНОВ,**
шарҳловчи

*Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг қолган қисми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!*

